Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 21 октябрь, шанба • № 83 (10.759) • Эркин нархда сотилади

БМТ БОШ КОТИБИ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 50-сессиясида иштирок этиш учун шу йил 22 октябрь куни Нью-Йоркка жўнаб кетади.

БМТнинг 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

19 октябрь куни БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида мазкур халқаро ташкилотнинг 50 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик учрашувни очар экан, жаҳон жамоатчилигининг мўътабар минбари бўлмиш БМТ ташкил этилганининг 50 йиллиги дунёдаги барча халқларнинг байрами эканини таъкидлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсоният тараққиёти учун, халқларнинг тотувлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилади, деди у.

Холид Малик Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, мамлакатимизда БМТнинг 50 йиллигини нишонлаш бўйича миллий қўмита раиси С. Саидқосимовга сўз берди.

— 24 октябрь куни БМТ ташкил этилганига ярим аср тўлишини бутун дунё халқлари кенг нишонлайди, — деди С. Саидқосимов. — Ушбу санани кенг нишонлаш борасида Ўзбекистонда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Зеро, Ўзбекистон халқи БМТ минбари орқали дунёга юз тутди, ўзининг бой маданий мероси, иқтисодий имкониятлари билан жаҳон тараққиётига ҳисса қўшишдек улкан ишга бел боғлади.

С. Саидқосимов Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганидан буён ўтган қисқа давр ичида мазкур нуфузли ташкилот билан ҳамкорликда кенг миқёсли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Айниқса, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаш-семинарини ташкил этиш ҳақидаги таклифи БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий томонидан қўллаб-қувватлангани ва яқинда мазкур кенгаш-семинарнинг Тошкентда ўтказилгани алоҳида диққатга сазовордир. Ушбу тадбир минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантиришга бағишланган Нукус конференциясида қабул қилинган декларация ҳам БМТ билан ҳамкорликнинг самарали натижаларидан биридир.

С. Саидқосимов БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда унинг тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЮНДКП каби ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар миқёси ҳақида сўзлар экан, бунда ваколатхона раҳбари Холид Маликнинг хизматлари катта эканини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

ЭЛЧИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Индонезиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ҳасан Абдулжалил элчилик ваколати тугаши муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Ҳасан Абдулжалил Индонезиянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида фаолият кўрсатганидан фахрланишини қайд этиб, мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганидан буён кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликка мустаҳкам пойдевор қўйилганини таъкидлади.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Индонезияга ташрифи ва Индонезия Президенти Сухартонинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтарди, — деди элчи. — Бугун Индонезиянинг ҳукумат делегациялари, кўплаб ишбилармонлари Ўзбекистонга ташриф буюрмоқда ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда.

Мамлакатингиздаги элчилик ваколатим муддати тугар экан, гўзал юртингиз, юксак маданиятли халқингиз менда катта таассурот қолдирганини эътироф этмоқчиман, Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги алоқалар ривожига камтарона ҳиссам қўшилганидан мамнунман.

(ЎзА).

Ҳамкорлик қирралари

«КОНСУМЕР — ЭКСПО — 95»

Маълумки, 17-20 октябрь кунлари Тошкентдаги Алпомиш» спорт саройида «Консумер-ЭКСПО-95» деб аталган истеъмол моллари халқаро кўргазмаси очилди. Америка Қўшма Штатларининг «ТНТ Продакшнс ИНС» компанияси билан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташкил этган ушбу кўргазмада 20 мамлакатдаги 50 дан ортиқ фирманинг турли-туман маҳсулотлари намойиш этилди.

Бу ерда Австриянинг «ЛЕГО», «ЗИППО» АҚШнинг «Р. Жей Рейндольс Табакко» сингари машҳур компаниялари, Германиянинг пардоз буюмлари ишлаб чиқарувчи «Велла» ва «Лонда Колор», Японияннинг жаҳон бозорига юксак сифатли аппаратура етказиб берадиган «Акай» фирмалари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар. Кўргазма Ўзбекистонлик тадбиркорларга мазкур фирмалар билан амалий алоқаларни ўрнатиш имконини берди.

Семинар-йиғилишда республика бош божхона бошқармаси, вилоят божхона бошқармаси ходимлари, Чирчиқ шаҳри, Қибрай ва Бўстонлиқ туманлари ҳудудидаги хорижий мамлакатлар, фирма ва ишбилармонлар билан доимий алоқада бўлувчи йирик корхоналар ва ишлаб чиқариш бўғинларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда божхона хизматини янада такомиллаштириш, жорий этила бошланган янгиликларнинг асосий моҳияти ва йўл-йўриқлари тўғрисида республика бош божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини С. Орипов маъруза қилди. Йиғилишда вилоят божхона бошқармаси бошлиғи Т. Усмонов ҳам сўзга чиқди.

Йиғилишда иштирок этган корхоналарнинг раҳбарлари ўзларини қизиқтираётган бир қатор саволларга ва масалаларга жавоб олганликларини таъкидлаб, бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туришни таклиф қилдилар.

Семинар-йиғилишда вилоят ҳокимлиги давлат-ҳуқуқ бўлими мудири С. Хўжаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Божхона хизмати янгиликларига бағишланган бундай йиғилишлар келгусида вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам бўлиб ўтади.

• ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 •

ДИҚҚАТ, ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Муҳтарам газетхонлар!

Шу йилнинг 1 октябридан барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида газета ва журналлар, шу жумладан **«Тошкент ҳақиқати»** учун 1996 йилга обуна бошланди.

«Тошкент ҳақиқати»нинг обуна баҳоси бошқа нашрларга нисбатан бирмунча арзонроқ. Вилоят аҳолиси учун:

бир йилга — 606 сўм 60 тийин,
олти ойга — 303 сўм 30 тийин,
уч ойга — 151 сўм 65 тийин,
бир ойга — 50 сўм 55 тийин.

Агар сиз Тошкентда яшаётган бўлсангиз, обуна бундан ҳам арзонга тушади:

бир йилга — 516 сўм,
ярим йилга — 258 сўм,
уч ойга — 129 сўм.

Абонент қутичаларидан фойдаланадиган тошкентликлар эса бундан ҳам озроқ ҳақ тўлайдилар:

бир йилга — 432 сўм,
ярим йилга — 216 сўм,
уч ойга — 108 сўм.

Корхона, ташкилот, муассасалар учун ҳам, якка тартибда обуна бўлувчилар учун ҳам ана шу нарх белгиланган.

«Тошкент ҳақиқати»нинг нашр кўрсаткичи аввалги йилгидек — 65672.

Қадрдон газетангизга обуна бўлишга шошилинг!

Тезкор матбуот гуруҳи хабар қилади

Матбуот штабининг телефонлари:
33-40-48, 33-64-95, 33-90-82,
33-02-92, 33-38-41, 39-12-93.

УЧ ХЎЖАЛИК МАРРАДА

ОҚҚЎРҒОНДАН хушхабар олдик. Тумандаги уч хўжалик — Охунбобоев номли, «Хонқа» ва «Гулистон» жамоа хўжаликлари пахта тайёрлаш йиллик режаларини бажардилар. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги миришкорлари Ватан хирмонига 1500 тонна, «Хонқа» жамоа хўжалиги деҳқонлари 2300 тонна ва «Гулистон» жамоа хўжалиги пахтакорлари 7,700 тонна хом ашё етказиб бердилар.

Йилнинг қулай келганидан фойдаланган мазкур хўжаликларнинг деҳқонлари чигит экишдан тортиб то йиғим-терим бошлангунга қадар ғўза парвариши ишларини агротехника қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда адо этдилар.

Йиғим-терим ишларини пухта ташкил этиб, ялпи сафарбарликка эришган бу хўжаликларда юқори суръат ва унум таъминланди. Йиллик режа бажарилган бўлса-да, далаларда ҳали ҳосил сероб. Ўз имкониятларини қайта кўриб чиққан Охунбобоев номли жамоа хўжалиги деҳқонлари режага қўшимча яна 300 тонна, «Хонқа»ликлар 250 тонна ва «Гулистон»лик миришкорлар 150 тонна хом ашё етказиб беришга қарор қилдилар.

ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик режани туманда биринчилардан бўлиб адо этдилар. Хўжаликнинг бу ютуғига механизаторлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Эрмат Умаралиев ана шундай фидойиларнинг биридир. Моҳир механизаторнинг шу кунгача хирмонга тўккан пахтаси 140 тоннадан ошди.

Суратда: Э. Умаралиев.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ЛУҚМА

КЎРСАТКИЧЛАР НЕГА ҲАР ХИЛ?

Ўзининг миришкор, уста деҳқонлари, моҳир пахта усталари билан донг таратган Янгийўл тумани меҳнаткашлари бу йил пахта тайёрлашда анча орқада қолмоқдалар. Ҳар бир хўжаликда суръатни кўтариш, маррага барвақт етиш учун имконият бор-ку ахир.

А. Ортиқов номли, «Дўстлик», «Тинчлик» жамоа хўжаликлари бу имкониятдан оқилона фойдаланиш учун ҳаракат қилиб кун сайин маррага яқинлашмоқдалар.

Бундан буён об-ҳавога ишониб бўлмайди. Демак асосий умид қўл теримидан. Меҳнатга лаёқатли ҳар бир қишлоқ аҳли бу ишга ўз ҳиссасини қўшиши керак. Шаҳарлик ёрдамчилар ҳам қараб туришаётгани йўқ. Улар ҳам баҳоли қудрат пахтакорларга қарашмоқдалар.

Хўш умумий натижалар, умумий кўрсаткичлар қандай бўлмоқда? Афсуски ҳар хил. Масалан, ўтган куни Янгийўл далаларида 10519 киши меҳнат қилди. Уларнинг ёрдамида 186 тоннадан ортиқ пахта терилди. Ҳар бир теримчининг кунлик иш унуми 18 килограммга тўғри келди. Албатта, бу кўрсаткич кишини қаноатлантирмайди. Чунки айрим жамоалар вақтдан унумли фойдаланиб, кунлиқ теримда юқори кўрсаткичларга эришяптилар-ку. Чунончи сут заводидан далаларга чиқиб даққонлар билан елкамаелка 30 киши ишлаяпти. Уларнинг ўртача иш унуми 30 килограммданга тўғри келди. Тайёрлов идораси ходимлари ҳам бўш келмаяптилар. Бу ташкилот теримда бошқаларга намуна бўлаётир. Матлубот жамияти ходимлари ҳам йиғим-теримда фаол қатнашиб, кунига 28-30 килограммдан пахта термоқдалар. Лекин туман хўжаликлари аъзоларининг ўртача кўрсаткичи эса 24 килограммни ташкил этди.

Бу рақамлар, бу натижалар шундан далолат берадики, ҳозирги ғанимат кунларда қўл теримида қатнашаётганларнинг иш унумдорлигини ошириш учун зарур тадбирларни амалга ошириш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантириш ишларини йўлга қўйиш керак. Шу жиҳатдан «Ниёзбош» жамоа хўжалиги маъмурияти бошлаган иш ибратлидир. Бу хўжаликда кундалик терилган пахтага ўша куннинг ўзида ҳисоб-китоб қилиниб, ҳақ тўланмоқда. Бу тадбир шубҳасиз яхши натижа бераётир.

Вақт ғанимат. Далаларда ҳали ҳосил мўл. Қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир. Янгийўлликлар суръатни жадаллаштириш учун ҳар бир хўжалик, ҳар бир ташкилот, шаҳардан чиққан ёрдамчилар иш унумдорлигини ошириш чораларини кўришлари керак.

Н. ИСАЕВ.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида 1995 йил 20 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён

ЎРТАЧИРЧИҚ	**0,56**	**109,42**
Оққўрғон	1,00	94,82
Бекобод	1,00	88,71
Бўка	1,00	88,70
Юқоричирчиқ	1,02	88,53
Чиноз	1,00	80,67
Янгийўл	0,87	78,39
Қуйичирчиқ	1,01	78,20
Пискент	0,57	57,29
Вилоят бўйича	0,92	86,58
	* * *	
1994 йилда бўлган эди	1,36	77,32

БОЖХОНА ХИЗМАТИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда 1995 йилнинг 1 октябридан бошлаб янги бож тўловлари жорий этилди. 19 октябрь куни вилоят ҳокимлиги, вилоят божхона бошқармаси ва республика бош божхона бошқармаси ташаббуси билан Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган семинар-йиғилишда ана шу масалалар тўғрисида гап борди.

МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

ТЕРМИЗ АЭРОПОРТИ КЕНГАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ жанубий дарвозаси — Термиз аэропортида икки қаватли муҳташам бино фойдаланишга топширилди.

Унда йўловчилар учун овқатланиш ва дам олиш хоналари, кутиш заллари, касса бўлимлари ва бошқа қулайликлар яратилган. Энди аэропортга шарқона услубдаги дарвозалар, атрофи фавворали гулзорлар, неон чироқлари осилган манзарали гуллар билан ўралган мармар йўлакчалар орқали кириладиган бўлди.

ЯНГИ РЎЗНОМА

ФАРҒОНА вилоят матбуот бошқармаси қошидаги «Фарғона» нашриёти «Футбол» деб номланган янги рўзномани чоп эта бошлади.

Рўзнома ҳар ойда икки марта чиқади. Унинг саҳифаларида вилоят шаҳар ва туманларида футболни ривожлантириш борасидаги ютуқ ва муаммолар, шунингдек республика ва жаҳон футбол майдонларидаги беллашувлар, машҳур футболчилар ҳақидаги қизиқарли мақола ва хабарлар босилади.

БЕРУНИЙДА СУПЕРМАРКЕТ

Беруний шаҳрида супермаркет очилди.

Савдо маркази пештахталарига оддий рўзғор буюмларидан замонавий видео ва аудио аппаратларигача — мингдан зиёд маҳсулот қўйилган. Янги супермаркетнинг фойдаланишга топширилиши меҳнаткашларнинг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини қондириш билан бирга савдо хизмати кўрсатиш маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

ЭЛЕКТР КОМБАЙН ЯРАТИЛДИ

«БУЛУНҒУР» агросаноат фирмаси бош директори ўринбосари, техника фанлари номзоди О.Шоввозов электр билан ишлайдиган комбайн яратди.

«СК-5» русумли комбайн негизида яратилган электр двигателли бу машина ёрдамида соатига 5 тонна ғалла янчиб олинади. Унинг воситасида беда уруғи, нўхат, мош сингари экинлар қаторида маккажўхори донини ҳам янчиб олиш мумкин.

Электр комбайн фермер хўжаликлари ва томорқа эгаларига айниқса қўл келади.

ҚИШЛОҚДА — СУТ ЗАВОДИ

ХОРАЗМ вилоятининг Хонқа туманидаги Сарпоён қишлоғида ҳар кеча-кундузда 5 тонна сутни қайта ишлаб берадиган корхона ишга тушди.

Бу ерда тайёрланадиган сут маҳсулотлари туман аҳолисига, шунингдек вилоятнинг бошқа шаҳар ва манзиллари истеъмолчиларига етказиб берилади.

АВТОМОБИЛЬ БОЗОРИ

НУКУС шаҳрида автомобиль бозори очилди.

Эндиликда Оролбўйи техника ихлосмандлари бу ердан турли ҳил русумдаги автомобиллар ва улар учун эҳтиёт қисмлар харид килиши мумкин. Бозорда мижозлар учун барча қулайликлар яратилган.

«ДЕСНА» ВА БОШҚА УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ

НАВОИЙ машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси вилоят деҳқонлари ва чорвадорлари оғирини енгил қилмоқда.

Корхона мутахассислари қишлоқ хўжалиги техникаси турли қисмларини таъмирлашда уларга ёрдам бериш билан бирга омоч тишлари, сув қувурлари ҳам тайёрлаб беряпти. Бирлашмада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳам катта аҳамият берилаётир. Бу ерда чиқарилаётган «Десна» кир ювиш машиналари ва бошқа уй-рўзғор буюмлари харидорга манзур бўлмоқда.

(ЎзА).

БМТ — ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон тараққиёти жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолди. У давлатимизнинг, халқимизнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш максадида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик ришталарини мустаҳкам боғламокда. XXI аср бўсағасида турган инсоният олдидаги долзарб ва муҳим муаммолар: тинчликни сақлаш, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва бир қатор умумбашарий масалаларни ҳал қилишда халқаро ташкилотлар алоҳида ўрин тутади. Шундай нуфузли ташкилотлардан бири — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу кунларда ўзининг 50 йиллигини нишонлаяпти.

Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясига етиб қолганида бир қатор давлатлар томонидан ер юзида мустаҳкам ва узоқ муддатга мўлжалланган тинчликни таъминлашга қаратилган нуфузли халқаро ташкилотни юзага келтириш ғояси илгари сурилди. 1944 йилнинг август—сентябрь ойларида АҚШнинг Думбартон-Окс шаҳрида собиқ Совет Иттифоқи, АҚШ ва Буюк Британия вакиллари иштирокида ўтказилган конференцияда бўлажак ташкилот Низомининг дастлабки лойиҳаси қабул қилинди.1945 йилнинг апрель—июнь ойларида эса Сан Францискода БМТ Низомининг якуний матни ишлаб чиқилиб, унга мазкур ташкилотнинг 51 та дастлабки аъзолари 1945 йил 26 июнида имзо чекдилар. 1945 йил 24 октябрь — БМТ Низоми кучга кирган кун ҳисобланиб, у ҳар йили жаҳон жамоатчилиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни сифатида кенг нишонланади.

Ер юзида халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг биргаликдаги чораларини таъминлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тақдирини ўзи белгилаш принципини ҳурмат қилиш, барча миллатлар ўртасида дустона муносабатларни ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий, маданий ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро муаммоларни ҳал этиш — БМТнинг бош мақсадидир.

Ўтган йиллардаги фаолияти мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунёдаги энг йирик ва халқаро таъсирчан ташкилотга айланиб, 1993 йилга келиб у ўз сафида жаҳоннинг 184 давлатини бирлаштирди. У ўзининг ярим асрлик тарихи давомида халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликнинг қатор муаммоларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшди. БМТ Ер курраси нинг турли минтақаларида тинчлик урнатиш, ҳарбий можароларнинг олдини олиш, ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, табиий офатлардан шикаст топган давлатларга ёрдам қўлини чўзиш, жаҳон маданиятини ривожлантириш каби ҳайрли ишларда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда ушбу ташкилотнинг 6 та бош орган: Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, Котибият, 16 та ихтисослашган муассасалари: Халқаро меҳнат, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари, Тикланиш ва ривожланиш халқаро банки, Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро молиявий корпорация, Халқаро ривожланиш уюшмаси, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик, Фуқаролик Авиацияси Халқаро денгиз бўйича ташкилотлари, Жаҳон почта уюшмаси, Электр алоқа уюшмаси, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро қишлоқ хўжалиги ривожланиш жамғармаси, Саноат ривожи, Маориф, фан ва маданият масалалари, жаҳон ақлий мулк ташкилотлари ҳам айни шу мақсадда иш олиб бормоқдалар.

24 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топганига 50 йил тўлади

Халқаро ҳуқуқнинг ижодкорлари сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон халқлари тақдирига оид бир қатор ҳужжатлар ишлаб чиқди. Бу ташкилот дунё аҳамиятига молик бўлган кўпгина тадбирларнинг ҳам ташаббускори ҳисобланади. Жумладан, халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили — қуролсизланиш масаласига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ катта аҳамият бериб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 1978, 1982, 1988 йиллардаги учта махсус сессияси ушбу масалаларга бағишланади. 1977 йилда ўтказилган 31-сессиясида эса табиий муҳитга нисбатан ҳарбий ва ҳар қандай тажовузкор воситалардан фойдаланишни тақиқлаш ҳақидаги конвенция қабул қилинди.

1960 йил 14 декабрда колониал мамлакатлар ва халқларга мустақиллик берилиши тўғрисидаги декларациянинг қабул қилиниши Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги бир қатор давлатларда мустамлакачиликдан озод бўлиш жараёнларини тезлаштириб юборди.

Саксонинчи йилларнинг охирларида халқаро аҳволнинг узгариши туфайли БМТ фаолиятида янги босқич бошланди. Бу эса ташкилот фаолиятининг янада жонланишига олиб келди ва Бирлашган Миллатлар ташкилотининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларини мазмунан тўлдирди. Ташкилотнинг Яқин Шарқдаги тажовузга қарши белгиланган таъсирчан чоралари, Комбоджадаги вазиятни барқарорлаштириш тадбирлари ва Яқин Шарқда ҳамда Афғонистонда тинчликни таъминлаш, собиқ Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасида ядро қуролларини қисқартириш тўғрисидаги иккита муҳим шартномалари шулар жумласидандир. Бирлашган ҳаммаси БМТнинг тинчликсеварлик сиёсатини изчил олиб боришидан далолат беради ва унинг фаолиятидаги умуминсоний қадриятлар, манфаатлар негизига қурилган йўналишни янада мустаҳкамлайди.

1992 йилнинг 2 марти халқимизнинг хотирасида учмас воқеа сифатида қолди. Ўзбекистон шу куни БМТ аъзолигига халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида қабул қилинди. Республикамиз жаҳон ташкилотининг тулақонли аъзоси сифатида муҳим халқаро муаммоларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиши учун катта имкониятлар яратилди. Ушбу тарихий кундан бошлаб БМТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги қатъий йўлга қўйилди. Республика ҳукумати билан БМТ ўртасида 1992 йил 16 ноябрдаги битимга мувофиқ 1993 йил февралида Тошкент шаҳрида бу ташкилотнинг ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлади. БМТ ваколатхонасининг очилиши мазкур ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирда ваколатхона таркибида БМТнинг Тараққиёт дастури, Болалар жамғармаси, Саноат тараққиёти дастури, Наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиши жамғармаси сингари ихтисослашган муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

1993—1995 йиллар ичида ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг бевосита ташаббуси ва иштирокида бир қатор халқаро дастурлар ишлаб чиқилди ҳамда Тошкентда халқаро анжуманлар ўтказилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда БМТ 10 га яқин йўналишда фаолият олиб бормоқда. Улар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бошқарувни такомиллаштириш, чет элда яшовчи юртдошларимиз томонидан Ўзбекистонга ёрдамни ташкил этиш (ТОКТЭН дастури) ва бошқа соҳаларда изчиллик кўрсатаётир.

Республикамиз ер юзида осойишталик ва тинчликни барқарорлаштириш бўйича жиддий ишлар олиб бораётир. Бунинг яқол мисоли тариқасида Ўзбекистон раҳбариятининг қўшни Тожикистонда тинчлик урнатиш билан боғлиқ ҳаракатларини кўрсатиш мумкин. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида 1993 йил 28 сентябрдаги нутқи нафақат минтақамиз аҳлида, балки жаҳон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Республикамиз Президенти қатор муаммолар ечимига оид бир талай таклифларни илгари сурди. Жумладан, Тошкент шаҳрида мазкур ташкилотнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, фаровонлик ва муаммоларни ҳал этишга бағишланган доимий семинарини ташкил этиш таклифи ортага ташланди. Кўп ўтмай бу ташаббус ўзининг амалий ифодасини топди. Шу йилнинг 15—16 сентябрида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент кенгаш-семинари бўлиб ўтди. Унда минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлашга оид янги фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилди. Шу йўлдаги манфаатдор ҳаракатларни бирлаштириш учун янги қадам ташланди. Мазкур кенгашда халқаро ташкилотларнинг биргаликда амалга оширадиган дастурлари ҳам ишлаб чиқилди.

Узбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жаҳон тартиботини шакллантириш борасидаги илғор йўлини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келмоқда. Унинг мавқеини тобора юксалтириш учун республикамиз барча ишларни қилажаги шубҳасиздир.

О. МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедрасининг мудири.

Ҳосил — 95

БАРАКА — МЕҲНАТДА

Кўп йиллардан бери пахтачилик билан шуғулланиб келган, тажрибали мутахассислардан бири яқинда «Баъзи хўжаликларда «С-6524» нави ҳақида илиқ гаплар камроқ айтилади, сизларда қандай қилиб кетма-кет уч йилдан буён 29-30 центнерга етказиб ҳосил оляпсизлар?», — деб сўраб қолди . Унга «Меҳнат ва яна меҳнат билан» деб жавоб бердим. Аслида ҳам шундай. Биргина бу нав эмас, қайсиниси экилса ҳам вақтида парвариш қилинмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Ҳар қандай деҳқончиликнинг мезони шу.

Айни пайтда ҳосилдорликни ошириб боришнинг ўзига яраша қатор омиллари ҳам бор. Хусусан, ўз мисолимизда гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда, ер парваришига алоҳида эътибор берямиз. Иложи борича чигит экиладиган майдонларни кузда шудгорлаб, маҳаллий ўғитга тўйинтирамиз. Қиши билан ором олган ер кўпчиб, кўклам қуёшидан бахраманд бўлгач, бағрига тушган уруғни тез ниш урдиради. Чигит бир текис униб чиқди дегунча эгатларни юмшатишга киришамиз, танасига иссиқ тегиб сичқонқулоқ бўлган ниҳоллар тез ривож топади. Шу ўринда 650 гектар майдонни маҳаллий ўғитга тўйинтириб бўларканми, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Буни ерни ўз эгасига топшириб қўйган одам яхши билади. Биз мулк шаклини ўзгартираётганда «Деҳқон хўжаликлари уюшмаси» услубида ишлашни афзал деб билдик. Хўжаликдаги пахта майдонининг ҳаммаси 320 нафар аъзога — қурби етишига қараб — 2-3 гектардан бўлиб берилди. Инсон руҳияти шунақаки, ҳамиша ўзининг буюми, мол-мулкига «ўнг кўз» билан қарайди. Деҳқончиликни юргизишнинг мазкур шаклида «Ҳой далага чиқ», «Ҳой ғўзангни ўт босиб кетибди», «Ҳой пахтанг сувдан қолибди» деган ортиқча ташвишдан қутулдик. Ер олган хонадон эгаси жон-жаҳди билан ҳаракатга тушиб қолди. Ерга астойдил меҳр қўйди. Бошқарув ва бригада бошлиқлари эса техникадан, сувдан ўз вақтида оқилона фойдаланишни қатъий назорат қилиб бордилар. Бу услуб ўтган йили ҳам, бу йил ҳам яхши натижа берди. 1994 йилда ҳосилдорлик 30 центнерга етган эди, бу йил ана шу кўрсаткичдан ошириш ниятимиз бор. Ҳозиргача гектаридан режадаги 27 ўрнига 28 центнердан ҳосил олиб, 1820 тоннадан кўпроқ хом ашёни давлатга топширишга муваффақ бўлдик.

Мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этишда, шубҳасиз, рағбатлантириш, мусобақани тўғри ташкил қилиш, одамларни ижтимоий ҳимоялаш муҳим аҳамият касб этди. Шу йилнинг ўзида уюшма аъзоларига арзон нархда 21 тонна пахта ёғи, 16 тоннадан кўп гуруч, 47 тонна пиёз, 90 тонна ун, 1,5 тонна шакар тарқатилди. Механизаторлар, сувчилар учун коржомалар ҳам ажратилди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бутун мавсум мобайнида бизга ҳудудимиздаги мактаблар ўқитувчилари, ўқувчилари, ўзлари учун қулай фурсатларда ёрдам бериб келмоқдалар. Буни ҳисобга олиб, муаллимларни ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилди. Уюшма аъзоларига нима берган бўлсак — кўмакдошларимизга ҳам шундай озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди, ҳатто, айрим ойларда уларга маош ҳам тўлаб бордик.

Шуни таъкидлаш керакки, ижара усули ҳосилдорликни оширишда алоҳида аҳамият касб этди. Икки йиллик тажрибамиз буни яққол кўрсатди. Масалан, ўтган йили 3 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта олган Юлдуз Тўхтаева бу йил 40 центнердан, 28 центнердан ҳосил етиштирган Омина Кўчқорова 35 центнердан, 27 центнердан пахта йиғиб олган Мукамбар Абдурахмонова 37 центнердан ҳосил олдилар. Умуман уюшма бўйича аъзоларимизнинг 80 фоизи ҳосилдорликни оширишга эришдилар.

Етиштирилган хом ашёни йиғиб олишда 10 нафар механизаторларимизнинг ҳаммаси ибрат кўрсатиб ишлади, деб айтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири мавсумда 100-120 тоннадан пахта териб берди.

Яна бир гап. Деҳқон хўжаликлари уюшмаси услубида ҳисоб-китоб ишлари қўлами кўпаяди. Бу ўринда ҳисобчилар, бош иқтисодчи сабот билан ишлашлари керак бўлади. Чунки, ҳар бир ижарачининг кундалик терган пахтаси қанчалиги, унинг сифати, тўланадиган ҳақ ва яна бир қатор кўрсаткичлар бўйича аниқ маълумотлар тайёрланади. Бир сўз билан айтганда, ижарачига ўз меҳнати натижаси ойнадек равшан бўлиб туриши лозим. Шу боис у иш унумдорлигини оширишга интилади.

Бу йил ижарачилар камида 50 минг сўм, кўпи 70 минг сўмдан ва ҳатто, 100 минг сўмгача даромад қилиши кутилмоқда. Юртбошимизнинг пахтакорлар, умуман, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига ғамхўрлик руҳи билан йўғрилган фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари бундай манфаатдорлик учун йўл очиб берди. Бу — бизни руҳлантирибгина қолмай, бор ҳосилни нес-нобуд қилмай тўлиқ йиғиб-териб олишга даъват этади.

М. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўртачирчиқ туманидаги «Роватак» деҳқон хўжаликлари уюшмаси раиси.

Ҳосил — 95

КЎМАКДОШМИЗ!

ХУДДИ шундай. Ўртачирчиқ тумани фахрийлари ҳар йили йиғим терим мавсумида чин дилдан ҳиммат кўрсатишмоқда. Отахонлар ўз ўринларини пахтакор ўғил қизлари ёнида деб билиб, қурбилари етганча уларга кўмаклашмоқдалар.

Бу сафар кексалар қалб даъвати билан теримнинг дастлабки кунлариданоқ далага отландилар. Туманнинг барча хўжаликларидаги фахрийлар кенгашлари раислари ташаббус кўрсатдилар. Айниқса, «Гулистон», «Янги турмуш», «Ҳақиқат» жамоа хўжаликларининг А. Суяров, К. Маматқулов, А. Тошматовлар раҳбар бўлган бошланғич кенгашлари ишлари бошқаларга ибратли бўлди.

Мазкур жойларда ҳар куни теримга 50-60 нафар киши жалб этилди. Улар кунига 30-40 килограммдан пахта тердилар. Туманнинг сал кам 40 минг тонналик хирмонига А. Курсаев, В. Афанасьев, О. Унеров, А. Тоғаев, А. Эловбоев, Э. Усенов, Э. Мирзақулов, М. Парпиев, Р. Бектоев, В. Богуславский, Ш. Сеитгалиев, Р. Иброҳимов, Н. Абдурахмонов сингари отахонлар муносиб ҳисса қўшдилар. Шу кунгача фахрийлар уйган хирмон 272 тоннадан ошиб кетди.

А. МАСОДИҚОВ,
Туман фахрийлар кенгаши раиси.

ПАХТАЗОР ЮЛДУЗЛАРИ

БУ ЙИЛ Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида кўпминг килограммчилар ҳаракати авж олди. Минглаб жамоа аъзолари белларига этак боғлаб далага чиқишди. Буни теримчилар шу кунгача тиклаган 600 тонналик пахта хирмони мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мавсумда 7700 килограмм пахта териб берган 2-бригаданинг чевар теримчилари Моҳира Отақулова, 7200 килограмм пахта териб берган Хурли Хатамова, 5000 килограмм пахта териб берган 1-бригада аъзоси Шоира Ниёзова ва ҳар бири 3,5-4,5 минг килограммдан пахта териб берган бошқа ўнлаб «пахтазор юлдузлари» мусобақада доим пешқадамлик қилиб келдилар. Уларнинг меҳнат шижоати бугун ҳам сўнган эмас.

ҲАМ ПАХТА ТЕРИШМОҚДА, ҲАМ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА

Терим мавсуми бошланибдики, вилоятдаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бел боғлаб, ҳашарга отланишди. Ҳамманинг мақсади бободеҳқоннинг машаққатли меҳнати билан етиштирилган ҳосилни вақтида йиғиб-териб олиш.

Умумхалқ ҳашарида туман маданият ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар пахта териш билан бирга пахтакору ҳашарчиларга маданий хизмат кўрсатишмоқда.

***

ЯНГИЙЎЛ туманида пахтакорларга хизмат қилиш мақсадида 10 та кўчма кутубхона ташкил қилинган. Пахтакорлар, хашарчилар дам олиш пайтларида улар ҳузурида бўлиб, янги газета, журналлар ва қизиқарли адабиётлар етказиб турибдилар. Туман маданият уйи қошидаги «Қалдирғоч» халқ цирк жамоаси ва «Тарона» дастаси шу кунга қадар «Тинчлик», Ниёзов номли, «Ниёзбош» ва «Дўстлик» жамоа хўжаликларида бўлиб, пахтакорларга маданий хизмат кўрсатдилар.

Туман маданият ходимлари бу ишларни йиғим-терим кони тугаганидан сўнг амалга оширмоқдалар. Аслида эса туман маданият ходимларининг ҳаммаси пахта йиғим-теримида. Уларнинг шу бугунга қадар давлат хирмонига тўккан пахталари 20 тоннадан ошиб кетди.

***

ТОШКЕНТ тумани маданият ходимлари ҳам кўпчилик қатори Оққўрғон туманида пахта йиғим-терими билан бандлар. Йиғим-теримдан бўшагач, улар пахтакор-ҳашарчиларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Туман бадиий ҳаваскорлари «Гулистон» жамоа хўжалиги бўлимларида бўлиб, ранг-баранг дастурда дам олиш оқшомлари ўтказдилар.

***

ҚУЙИЧИРЧИҚ. Туман бадиий ҳаваскорлари «Пахтачи», «Гулистон», «Меҳнатобод», «Янгиҳаёт», Улуғбек номли, «Дўстлик» каби жамоа хўжаликлари пахтакорлари ҳузурида дам олиш соатлари, ёшлар учун эса рақс оқшомлари ўтказдилар. Турли долзарб мавзуларга оид 23 та суҳбат бўлиб ўтди. Айниқса, туман маданият уйининг тасвирий санъат студияси томонидан чиқарилаётган «Чақмоқ» деворий газеталари кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлиб, кунлик теримнинг ўсишига кўмаклашмоқда.

***

ОҚҚЎРҒОН. Туманда 30 та кўчма кутубхона пахтакорларга зиё тарқатишда фаолият кўрсатмоқда.

Бу ердаги «Наврўзи ажам» халқ дастаси ҳамда «Қувонч» рақс хаваскорлари «Пахтакорим, мақтайин» номли янги дастур билан туман жамоа хўжаликлари пахтакорлари ҳузурида бўлмоқдалар. Бугунга қадар «Султонобод», Охунбобоев номли,. «Озод», «Маданият» каби жамоа хўжаликларининг бўлимларида меҳнат қилаётган хашарчилар янги дастурлар билан танишдилар.

***

ПИСКЕНТ туманида 12 та кўчма кутубхона, 5 та бадиий ташвиқот гуруҳи ташкил қилинган. Улар дала шийпонларида, кечки пайтлар эса хашарчилар ҳузурида иш олиб бормоқдалар.

Туман маданият ходимлари илғор жамоаларда бўлиб, уларга маданий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда мазкур бригада иш тажрибасини бошқа жойларда ҳам оммалаштиришга ёрдам кўрсатмоқдалар.

Жумладан, Навоий номли жамоа хўжалигида «Илғор бригада» рукни остида учрашувлар ташкил қилинди. «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалиги пахтазорларида «Ким чаққон» танлови ўтказилди. Танлов шартларига кўра энг чаққон теримчи эсдалик совғаси билан тақдирланибгина қолмай, шу даланинг ўзидаёқ унинг шаънига янги кўшиқ яратилиб ижро этилди. Ана шундай танловлардан туман жамоа хўжаликларида 24 та ўтказилди. Дала шийпонларида кўчма кўргазмалар ташкил қилинмоқда.

***

ПАРКЕНТ. «Паркент гуллари» халқ ашула ва рақс дастаси қатнашчилари бугунги долзарб паллада Бекобод ва Юқоричирчиқ туманлари пахтакорлари ҳузурида бўлиб, «Минг тасанно, пахтакорлар!» мавзуидаги янги дастурлари билан хизматда бўлиб қайтдилар. Улар тумандаги турли жамоа хўжаликларида бўлиб, концерт дастурларини намойиш этдилар.

Ф. АМИРИДДИНОВА,
вилоят маданият ишлари бошқармасининг етакчи мутахассиси.

ДАВЛАТ ТИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон республикаси Фанлар академиясида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган куннинг олти йиллигига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Уни академия вице-президенти И. Искандаров очди.

Фанлар академияси тилшунослик институтининг директори, академиянинг мухбир аъзоси А. Хожиев давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши ва бу борадаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Йиғилишда сўзга чиққанлар давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш йўлида академия институтлари олиб бораётган ишлар хусусида гапирдилар.

Йиғилишда бой тарихга эга она тилимизга давлат тили мақоми берилиши унинг нуфузи кўтарилиши, янада жило топиши ва такомиллашувига хизмат қилаётгани таъкидланди.

(ЎзА).

САНЪАТШУНОС ОЛИМ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ҳамза номидаги давлат мукофоти совриндори Мамажон Раҳмонов 80 ёшга тўлди.

Санъатшунос олим эллик беш йил маданият ишлари вазирлигига қарашли муассасаларда хизмат қилиб, ўзбек санъати ривожига катта ҳисса қўшди. Айни пайтда ижодий изланишларга ҳам вақт топди. Тиним билмас олим Ўзбекистон саъати, унинг тарихига бағишланган ўнлаб монография, китоб, рисола ва илмий тўпламлар муаллифидир. Унинг илмий раҳбарлиги остида ўн икки нафар олим санъатшунослик фанлари доктори ва номзоди даражасига эришди.

Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтида олим юбилейга бағишланган йиғилиш бўлди. Санъатшунослик фанлари доктори Т. Баяндиев М. Раҳмоновнинг илмий ишлари ва ташкилотчилик фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, республика театр арбоблари уюшмасининг президенти Б. Қориева, Ёзувчилар уюшмасининг котиби Т. Мирзо ва бошқа сўзга чиққанлар санъатшунослик илмининг карвонбошларидан бири бўлган олимнинг ўзбек театрини шакллантириш, миллий театримиз тарихини яратишдаги улкан ҳизматлари тўғрисида гапирдилар.

Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б. Назаров юбилярни табриклаб, унга Академия раёсатининг фахрий ёрлиғини топширди. Олимни табаррук ёши билан, шунингдек, пойтахт театрларининг артистлари, Тошкент давлат санъат институтининг талабалари муборакбод этишди.

Б. МАНСУРОВ.

«Ал-Машриқ» — энг зўр ютуқ эълон қилди

«АЛ-МАШРИҚ» деб ном қозонган, «Ал-Машриқ Ва-Л Мағриб Юнион Ўзбекистон Ко» фирмаси мамлакатимизнинг олти жойида дўкон очди. Марказий дўкон эса пойтахтимизнинг «Россия» меҳмонхонаси рўпарасидаги Усмон Носир кўчаси 13-уйга жойлашган. Бу Марказий дўконнинг манзилини топиб келиш учун 15,16-троллейбусларнинг «Моделлар уйи» бекатигача келиш мумкин. Хўш, «Ал-Машриқ» фирмасининг Марказий дўконига келиб нималарни харид қилиш ёки қандай янгиликнинг гувохи бўлиш мумкин дерсиз.

Дўконда 600 хилдан ошиқ маиший-рўзғор буюмлари бор. Соатлар, кир ювиш машиналари, музхоналар, магнитофонлар, мусиқавий марказлар, видеомосламалар, ойнаи жаҳонлар, кассеталар... Хуллас Японияниг энг машҳур «Сони» фирмасида ишлаб чиқарилган ниҳоятда сифатли маҳсулотлар. Мабодо харид қилинган маҳсулот бир йил давомида бузилса ана шу Марказий дўконда қайта бепул таъмирлаб берилади. Дўкон кунига 200 дан ортиқ харидорга хизмат кўрсатмоқда.

— Бундан ташқари, харид қилинган маҳсулотлар қийматининг ҳар юз долларига биттадан «Ал-Машриқ» фирмасининг лотереяси бепул берилади. Бу лотереялар махсус қутида харидорнинг тўлиқ исми-шарифи ёзилган ҳолда сақланади ва ноябрь ойининг иккинчисида биринчи тур ўйинлар ўтказилади. Унда совринга «Сони» фирмасининг энг яхши ойнаи жаҳони қўйилган. Иккинчи босқич 2 декабрь куни ўтказилади ва унда бахтли лотерея эгаси видеокамера олиши мумкин. Ниҳоят, учинчи тур янги йиллан сўнг яъни 1996 йил 2 январь куни бўлиб ўтади. Унда «Ал-Машриқ» лотерея эгалари учун энг катта ютуқ «Форд» компаниясининг «Толаз» енгил автомашинасини қўйган. Шу куни иккинчи ютуққа мусиқий марказ ҳам берилади, — дейди «Ал-Машриқ Ва-Л Мағриб Юнион Узбекистон Ко» фирмасининг Марказий дўкони мудири Саидкамол Аллов.

Дўконда 20 нафар сотувчи ишлайди. Маҳсулотларни харид қилиш чоғида бепул таъмирлаш учун кафолат варақаси, бепул лотерея тўлдириб берилади. Хизмат кўрсатиш замонавий ташкил этилган. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, минг эшитгандан кўра бир кўрган афзал дейдилар. «Ал-Машриқ Ва-Л Мағриб» га марҳамат!..

Т. ЁРҚУЛОВ,
журналист.

• ЧИРЧИҚДАГИ «Ўзбекистон кимё машинасозлиги» ҳиссадорлик жамияти жамоаси мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ҳисобланган нефть, кимё, газ саноати учун зарур бўлган қатор янги машина-механизмлар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирмоқда. Бундай масъулиятли ишни бажаришга тажрибали машинасозлардан Р. Валиев (ўнгдан), Г. Файзулин ва З. Услар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Р. ШАМСИЕВ олган сурат.

Халқ таълими ва ислоҳот

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИКНИ КЎЗЛАБ

ҚИБРАЙ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯНИНГ ЯНГИЧА ШАКЛЛАРИ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА.

КЎП йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, халқ таълимида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил этишга уринар эканман, мени бир нарса айниқса хурсанд қилади. Яъни бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб жараёнида ҳам ёш авлодга таълим-тарбия беришни юқори поғонага кўтариш масаласи юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлмоқда.

Бу истиқлолнинг дастлабки ойларидаёқ ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашда яққол кўринди. Давлат уйларида истиқомат қилувчи муаллимларга турар-жойларини бепул хусусийлаштириб бериш, уларга уй қуриш учун ер ажратиш, зиёкорларнинг босқичма-босқич ойлик маошларини ошириб бориш тўғрисидаги фармон ва қарорлар илм маърифат фидокорларига катта мадад бўлди. Ана шу тадбирлар мактаб ҳаётида рўй бера бошлаган ислоҳотларнинг дастлабки босқичи эди.

Айни пайтда давр халқ таълими ходимларидан ёшларга билим беришнинг янгича шаклларига ўтишни, эстетик ва маънавий тарбия юксак поғонада бўлиши кераклигини тақозо қилади. Бу борада иқтидорли болаларни танлаб олиб, уларни чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш шаклини кенгайтириб бориш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Кейинги йилларда бир қатор мактаблар қошида лицей — синфлар, гимназиялар ана шу талаблар самараси сифатида очилди. Бу йўналиш ўзини тўла оқлагандан кейин, таълим тизимида лицей-мактаблар, лицей-интернатлар, гимназиялар пайдо бўлдики, уларда дарс бериш услублари ҳам тобора такомиллашмоқда. Ўқувчиларга улар севган фанларни уйғунлаштириб (блок) тарзида ўқитиш болаларга кўпроқ билим беришни кучайтирди. Таълимотнинг бу шакли ўз-ўзидан ўқитувчилар зиммасидаги масъулиятни ҳам оширди. Эндиликда улар фақат дарсликлар билан чекланмасдан илмий ва бадиий адабиётларга, газета ҳамда журналларга мурожаат қиладиган бўлиб қолдилар. Дарсларга бундай муносабат туманимизнинг қатор мактабларидаги муаллимлар фаолиятидан ўрин олди.

Хусусан,илгари ҳам ёш авлодга билим ва тарбия бериш борасида фақат Қибрай туманида эмас, вилоятда ҳам намуна бўлиб келган 25-ўрта мактаб ўқитувчилар жамоаси янгиликка интилиши, изланувчилиги ва фаолияти ҳамда мактабнинг моддий базаси инобатга олиниб, у кўп йўналишли лицей-мактабга айлантирилди. Бу билим даргоҳида бошланғич синфларга дарс бериш бошқа мактабларникига қараганда анча фарқ қилади. Бу ерда биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларга расм дарслари ҳафтасига бещ соатдан ўқитилмоқда. Айни пайтда юқори синфлар араб, инглиз тилларини, биология, химия, физика фанларини ҳам чуқур ўрганмоқдалар. Мактабнинг тўққизинчи синфини пухта билим билан битирган иқтидорли ўқувчилар Тошкент Давлат аграр дорилфунуни қошидаги лицейга тест синови асосида қабул қилиниб, у ерда таҳсил олишмоқда. Ўтган йили мактабнинг мазкур лицейда ўқиган 25 ўқувчисидан 20 нафари, бу йил ўн биринчи лицей синфидаги 32 нафар ўқувчидан 24 нафари дорилфунун талабаси бўлди.

Кўп йўналишли лицей-мактабимиз молиявий мустақилликка ҳам эришган. Ўзининг тикув цехида вилоят халқ таълими бошқармасининг муассасаларига кийим-кечаклар, ёстиқ ва кўрпа-тўшак жилдлари тайёрлаб бермоқда. Мактаб-лицейда иссиқхона ҳам бўлиб, унда сабзавот маҳсулотлари, гул кўчатнинг ўзига хос ўрни бор. Шуни ҳисобга олиб 25-лицей-мактаб раҳбари Ш. Ғаниев 45-мактабга директор қилиб ўтказилди. Тез орада бу жойда ҳам ёшларга чуқур билим бериш, уларни фойдали меҳнатга ўргатиш ўз натижасини кўрсатди. Бу даргоҳда республикамизнинг турли вилоятларидан келиб таълим-тарбия олаётганлар ҳаётларида ўзгаришлар рўй бераётганлигини ҳис этдилар. 1994 йилда лицей-мактабнинг 78 нафар битирувчисидан 38 нафари олий ўқув юртларига, 19 нафари техникумларга ўқишга кирди. Бу йил эса 134 нафар битирувчидан 70 фоизи институт ва университетларга, 30 нафар ўқувчи техникумларга ҳужжат топшириб, талаба бўлди.

Ўқувчиларга чуқур билим бериш ҳамда уларни меҳнатга тайёрлашда ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ўрнида ташкил топган катталар таълими ўқув-ишлаб чиқариш маркази ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда билим ва тарбия қўшиб олиб борилмоқда. Ўқиш билан бирга тракторчилик, ҳайдовчиликнинг «ВС» тоифаси, ошпазлик, сотувчилик, суратчилик, тикувчилик касблари ўргатилмоқда. Бундан ташқари турли курслар ҳам ташкил этилган бўлиб, битирувчиларга эгаллаган касблари бўйича гувоҳномалар берилаётир.

Молиявий мустақилликка эришган бу марказ ўзининг автогаражига, сўлим боғига эга. Ҳисобида анчагина маблағи ҳам бор. Биз булар ҳақида батафсил тўхталаётганимизнинг боиси, ўқитишнинг янгича шакллари ўқувчиларни билимли қилиш билан бирга маънавий баркамол, меҳнатсевар бўлиб етишишларини ҳам таъминлаётганлигини таъкидлашдир.

Яқиндан бошлаб туман халқ таълими бўлими яна бир янгиликка қўл урди. Маълумки, Президентимиз шу йил 23 февралда бўлиб ўтган Ў

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ДУНЁ харитаси олдида туриб, Ер куррасининг қайси бир қитъасига назар ташламанг, у ерларда жойлашган ҳар бир мамлакатнинг ўзига яраша муаммолари, фожиалари, ташвишлари, «ўтли нуқта»лари борлиги хаёлингиздан ўтади. Давлатлар ўртасидаги турли тортишувлар, «оловли минтақалар», чинакам жанг кетаётган худудлар, террорчилик хуружлари, ҳар хил норозилик намойишлари, табиий офатлар, ғаройиб воқеаларга муносабат билдириш жаҳон оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда қолмаётир. Ўтган ҳафта воқеаларининг ҳаммаси ҳақида батафсил гапириш қийин. Лекин, биз муштарийларимизни уларнинг энг асосийларидан боҳабар қилишни лозим кўрдик.

БОЛҚОННИНГ «ХАСТА ЮРАГИ»

ҚИЗИЛ империя инқирозга учраб, Варшава шартномасига бирлашган давлатлар ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий соҳада ўзлари мустақил йўл тутажакларини эълон қилганларидан сўнг, бошқа ерларда бўлгани каби, собиқ Югославия Социалистик Федератив Республикасида ҳам тўс-тўпалон, бош-бошдоқлик бошланди. Унинг таркибига кирган этник худудлар ўзаро «келишолмай қолдилар». Миллий мустақиллик, ҳудудий алоҳидалик талаб қилиб чиқдилар. Белграддаги «энг катта раҳбарлар» бунга розилик билдирмагач, ўртада, аввало, даханаки, кейин эса чинакам жанглар бошланиб кетди. Хусусан, Босния можароси авжига минди. Маҳаллий серблар, хорватлар, мусулмонлар ўртасидаги хунрезликлар нафақат собиқ Югославиянинг, балки, дунёдаги бошқа давлатларнинг ҳам «ҳаста юраги»га айланди. Айниқса, сўнгги икки-уч ой давомида у ерда фожиавий, даҳшатли воқеалар содир бўлди. Қатор шаҳарлар, қишлоқлар вайрон бўлди, неча-неча оилалар бусбутун қирилиб кетди. Муҳолиф томонлар бир-бирларини қувғин қилдилар, ваҳшиёна тарзда ўч олишга киришдилар.

Ана шундай бир вазиятда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шимолий Атлантика ҳарбий уюшмаси — НАТО, Америка, Россия, Англия, Франция, Германия сингари йирик давлатлар Босния масаласига аралашишга мажбур бўлдилар. Уруш ҳаракатларини бостириш мақсадида НАТО самолётлари серблар ҳудудини бомбардимон қилишгача бориб етди. Кейин хорватлар ва мусулмонлар томонини «жиловлашга» ўтди.

«Синов қадами» шу йил 8 октябрь куни қўйилди. АҚШ Мудофаа вазири У. Перри Россия Мудофаа вазири П. Грачев билан Женевада учрашди. Улар Босния тинчлик ўрнатиш режаларини муҳокама қилдилар. Шундан сўнг 11 октябрда муҳолиф томонлар ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни ишга тушириш ва барча жанжалли масалаларни музокаралар столи атрофида ҳал қилишга келишиб олинди. 17 октябрда эса собиқ Югославияда тинчлик ўрнатиш бўйича ишлаётган халқаро «Контакт гуруҳи»нинг мажлиси Москвада ўтказилди.Унда Россия, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франция дипломатик ваколатхоналарининг юксак мартабали вакиллари, шунингдек, Оврупо Иттифоқининг вакили Карл Бильдт иштирок этдилар. Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари И. Иванов учрашувдан сўнг матбуот конференциясида сўзга чиқиб, учрашув «қўпгина муаммоларга жавоб беришдан кўра, кўпроқ уларни кескинлаштириб юборди», — деб айтди. АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Р. Холбрук эса бўлажак масалаларни ҳал этиш учун яқин кунларда АҚШ, Россия ва Оврупо Иттифоқи вакиллари биринчи марта Белградда Сербия президенти Милошевич, сўнгра Сараевода Босния мусулмонлари раҳбари Изетбековичлар билан учрашадилар, деди. Кўринишдан «Контакт гуруҳи» аъзолари энди Болқонга қайтадилар. Жаҳон жамоатчилиги эса 31 октябрь куни АҚШ да ўтказиладиган навбатдаги учрашув натижаларини сабрсизлик билан кутмоқда. Гуруҳ аъзоларининг бўлажак кенгаши самарали бўладими? Боснияда узоқ кутилган тинчлик муҳити қарор топадими? Бу саволларга навбатдаги ҳафта бир қадар жавоб бериши мумкин. Ҳозирча Боснияда отишмалар давом этмоқда, қурбонлар сони тобора кўпаймоқда.

КАВКАЗ ОРТИДАГИ ЖАҲАННАМ

ШУБҲАСИЗ, жаҳондаги машъум «Оловли нуқта»лардан бири ҳамон Чеченистон бўлиб турибди. У ерда яқинда уруш ҳаракатларини тўхтатиш, Дудаев тарафдорлари томонидан қуроласлаҳаларни топшириш, Россия Федерал қўшинларини Чеченистондан олиб чиқиб кетиш, бўлажак сайловларга пойдевор қўйиш бўйича битим имзоланган бўлса-да, айни кунларда не кечаси, на кундузи ўқ овозлари тинмаётир. Оврупода ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти воситачилигида тузилган шартнома бандлари на у томондан, на бу томондан бажарилмоқда. Бир-бирларини шартномага амал қилмасликда айблаш ҳолатлари тобора ғовламоқда. Натижада, қурбонлар сони ортиб бормоқда, ҳафтада бир нечталаб ёш-ёш йигитлар, болалар, қариялар, қиз-жувонлар нобуд бўлмоқда. Очлик, ялангочлик, сувсизлик аҳолига хуруж қилмоқда. Уйларда иссиқлик йўқ, нур йўқ. Пойтахт Грознийдан тортиб, Шали, Бамут, Арғун, Ишхойюрт, Дарғо, Ялхаймахк, Гуни, Чеченовул каби ўнлаб қишлоқлар харобазорга айланган.

Хўш, шундай шароитда Чеченистонда уруш тўхтайдими? Тинчлик ўрнатиладими?

Бу саволларга ҳозирча ҳеч ким ижобий жавоб беролмайди. Фақатгина, худо билади, дейиш мумкин.

Нега? Чунки, Оврупо ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг вакили Ш. Месареш айтганидек, «Кавказ ортидаги бу жаҳаннам»да ҳали-вери тинчлик ўрнатилиши амри маҳолга ўхшайди. Зеро, адолат ҳар икки томон учун мезон бўлмас экан, ҳеч қачон яхшиликка эришиб бўлмайди. Дўқ-пўписа, фирибгарлик, алдаш, ивво қилиш, қўркитиш биз Хавфсизлик кенгаши котиби Олег Лобовга суиқасд уюштирилди. У муваффақиятсиз чиқди. 6 октябрь куни кундузги соат 12.30 да эса Грознийга яқин жойдаги Минутка майдонининг туннелидан ўтиб кетаётган Россия Федерал қўшинлари бирлашган қўшинлари қўмондони генерал-лейтенант Анатолий Романов тушган машина портлатиб юборилди. Оқибатда у ва қўмондон ёнида бўлган бир неча киши оғир жароҳат олди. Айни кунларда А. Романов Москвадаги Бурденко номли ҳарбий госпиталда ажал билан олишиб ётибди. Унинг ҳаёти қил устида.

15 октябрь куни эса ҳамма хайратдан ёқа ушлади. Будённовск шаҳрини тит-пит қилган, яқинда Дудаев томонидан бригада генерали унвони берилган Шомил Басаев Шали қўрғонида бўлиб ўтган «давра суҳбати»да сўзга чиқиб, бутун Россияни Будённовск кунига гирифтор қиламан, деб таҳдид қилди. Ўтган сешанба куни Россия телевиденниесида, «Тиғиз соат» дастурида чиққан Олег Лобов кўрсатувни олиб борувчининг «Нега Шомил Басаевни қўлга олмайсизлар?» деган саволига «Мен бу саволга жавоб беролмайман» деб айтди.

Икки кун бурун тинчлик ўрнатиш бўйича музокаралар олиб борилаётган Россия делегациясининг аъзолари О. Лобов, В. Михайлов, А. Вольскийлар яна Грознийга келишди. Ўз навбатида Дудаев тарафдорлари бўлган воситачилар А. Масхадов, У. Имаев, М. Удугов, янги ҳокимият вакиллари С. Ҳожиев, Л. Магамадовларнинг қадам олиши қандай бўларкин? Ҳамма нарса бошқатдан — бошидан бошланармикан? Ёки?!

БИРИГА КУЯСИЗ, БИРИГА КУЛАСИЗ

...17 ОКТЯБРЬ куни эрталаб соат еттида Париж метросининг «С» йўналишида «Сен Мишель» ва «Музей Орсэ» бекатлари оралиғида кучли портлаш рўй берди. Портлаш иккинчи вагонда эканлиги аниқланди. Воқеа содир бўлган ерга зудлик билан «тез ёрдам» машиналари ҳамда 200 га яқин ўт ўчирувчилар етиб келдилар. Бу машъум портлаш оқибатида 28 киши жароҳатланди. Сўнгги ойларда Франциянинг турли шаҳарларида бир нечта ана шундай ходиса рўй берди.

...УКРАИНАНИНГ Донецк шаҳри ўйинғоҳида «Шахтёр» ва Семферополнинг «Таврия» жамоалари ўртасида бўладиган ўйин олдидан портлаган мина бир неча кишининг умрига зомин бўлди. «Шахтёр» футбол клубининг президенти, «Люкс» фирмасининг директори Аҳат Брагин ва яна беш киши ўша заҳотиёқ ҳаётдан кўз юмди. Киевдан келган республика Ички ишлар вазирлиги ходимларининг гапларига қараганда, портлашнинг футболга алоқаси йўқ. Бу ерда пулдор тадбиркорлар ўз йўлларига «тўғаноқ» бўлган А. Брагиндан ўч олган бўлишлари мумкин.

...35 ЯШАР хоним 75 ёшли отахон-шифокорни Сингапурда судга берди. Гап шундаки, ҳаким унинг ялангоч баданини жуда узоқ вақт текшириб, унинг «номуси ва иззат нафсига суиқасд» қилган эмиш. Ҳаким ва унинг оқловчиси аёл кўкрагидаги касаллик белгисини махсус аппаратларсиз фақат узоқ уқалабгина аниқлаш мумкин эди, деб исбот қилмоқчи бўлдилар. Бироқ, судья бу важни инобатга олмади ва қария шифокорни 10 ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Лекин, юқори суд органига оширилган шикоят натижасида аввалги ҳукм бекор қилинди. Оқланган шифокор кўзларига ёш олиб «Эллик йиллик фаолиятим давомида бундай ҳақоратга биринчи бор дуч келишим», — деди.

Р. УМАРОВ.



● *ЧИРОЙЛИ ва пишиқ, замонави ва ёнилғини кам «ейдиган» енгил автомобилларнинг ишқибози ҳамиша кўп бўлган. Шу боис жаҳондаги «Форд», «Тойёта», «Ниссан», «Мерседес», «Фиат» сингари автомашина компаниялари ўзаро тинимсиз рақобатлашиб келадилар. Айни кунларда Германия «Опел» фирмасининг янги «Тигра» машинаси кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.*

Суратга қаранг-а, бу машинага ҳавас қилмай бўладими?

Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

КЎНГИЛСИЗ воқеалар ҳамиша киши дилини сиё қилади. Сув балосидан, ўт балосидан эҳтиёт бўлган яхши. Табиий офатлар ўз йўлига, лекин, ёнғинларнинг чиқишига кўпинча одамларнинг ўзлари, уларнинг лоқайдликлари сабабчи бўлади. Ачинарлиси шундаки, кейинги пайтларда вилоятимизда ёнғин чиқиш ҳолатлари бироз кўпайди. Йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида вилоятимизда 2128 марта ёнғин содир бўлди. Шулардан 1194 таси, бошқача қилиб айтганда, 56 фоизи фуқароларнинг турар жойларига тўғри келди. Ёш болаларнинг олов билан ўйнаши, печкаларнинг нотўғри — қоидаларга хилоф равишда ишлатилиши, уларнинг носозлиги, электр ва газ асбобларидан фойдаланишда ҳавфсизлик йўл-йўриқларига менсимасдан қарашлик, электр симларини нотўғри ўтказиш ва бошқалар ёнғинларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Мисолларга мурожаат қилайлик: шу йилнинг 14 октябрида Янгийўл туманининг «Тинчлик» жамоа хўжалигидаги Ўзбекистон кўчасида истиқомат қилувчи Мирзаахмедовлар оиласида ёнғин чиқиб, уй шифти ёнди. Сабаби — электр симларининг қисқача туташуви бўлган. 15 октябрь куни яна мазкур туманнинг «Қовунчи» жамоа хўжалигидаги Ойбек кўчасида жойлашган 24-уйда фожиа юз берди. Усмоновлар оиласидан чиққан ёнғин натижасида уй жиҳозлари ёниб кетди. Энг ачинарлиси 1994 йилда туғилган норасида бола нобуд бўлди. Газ узатгичларнинг носозлиги ва қаровсиз қолдирилганлиги мана шундай нохуш оқибатга олиб келди. 16 октябрь куни эса Тошкент туманининг «Кўксарой» қишлоғидаги Ф. Хўжаев номли кўчада жойлашган 31-уйда истиқомат қилувчи Тўхтабоевлар хонадонида ҳам шундай воқеа содир бўлди. Оила уйининг томи, буғотлари, уй мулклари ёна бошлагач, олов қўшни 33-уйга ҳамда Тошкент маъдан суви кўчасида жойлашган 110 ва180-уйларни ҳам қамраб олди. Натижада фуқароларга катта моддий зарар етказилди. Ўт чиқиш сабаблари аниқланмоқда. Лекин, тўрт хонадон анча азият чекадиган бўлди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин, 9 ой ичида ёнғинларда 23 нафар инсоннинг ҳалок бўлганлигини, 211 нафар кишининг турли тан жароҳатлари олганлигини оқлаш қийин. Уйларда ёш болалар қаровсиз қолдирилмаганида, портловчи моддалар ғўдаклардан узоқроқ жойларга даф қилинганида, печларнинг созланганлигига ўз вақтида эътибор берилганида, мўрконлар вақти-вақти билан тозалаб турилганида, электр иситгичларидан, айниқса, қўлбола иситгичлардан фойдаланишда хушёрроқ бўлинганида, балким, юқоридаги каби фожиалар содир бўлмасмиди?!

Яна бир муҳим гап. Айни кунларда пахтакорларимиз, вилоятимизнинг барча меҳнаткашлари далаларда етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини тез ва соз, ёғин-сочинли кунларга қолдирмай ғамлаб олиш учун катта сайъ-ҳаракат кўрсатмоқдалар. Терилган ва ғарамланган пахталарни ёнғин каби офатлардан сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий, иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш, янги пахта ҳосилини тайёрлаш ва қайта ишлаш даврида муҳофаза қоидаларига оғишмай амал қилиш мақсадида вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ходимлари кечаси-ю кундузи ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1995 йил 21 сентябрдаги қарори катта аҳамият касб этди. Ёнғиндан сақлаш ходимлари масъулияти оширилди, «Оқ олтин»имизнинг ҳар бир мисқолини авайлаб-асраш юзасидан аниқ чоратадбирлар кўрилди. Жумладан, Янгийўл тумани ҳудудида пахта теримига жалб қилинган ҳашарчилар, механизаторлар, фаоллар, қариялар ўртасида қатор суҳбатлар ўтказилди, пахта тозалаш заводи, пунктлари, хирмонлар, ёрдамчиларнинг яшаш жойларида йўриқномалар, махсус варақалар кўзга кўринарли ерларга осиб қўйилди. Шаҳар ёнғиндан сақлаш бўлинмаси нозирлари деярли барча жойларда бўлиб, ёнғинларнинг олдини олиш борасида анчагина иш қилдилар. Эришилган натижалар билан чекланиб қолишга, албатта, йўл қўйиб бўлмайди. Ёнғиннинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар ҳамиша давом эттирилиши лозим. Шуни билиб қўйиш керакки, нохушликларнинг олди аввалдан олинса, ўзимизни ҳам, уйимизни ҳам, ҳалол меҳнат қилиб топган мол-мулкимизни ҳам ўт балосидан вақтида асраб қолган бўламиз. Бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик!

С. ОТАЕВ,
Вилоят ёнғиндан сақлаш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, ички хизмат майори.
Э. МАНАБОЕВ,
Янгийўл шаҳар ёнғиндан сақлаш бўлинмаси нозири, ички хизмат капитани.

ҲАФТАЛИК ТВ КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 23

ЎзТВ I
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Алдаркўса ва бой», «Қувноқ алдоқчи». Мультфильмлар.
17.50 Хонанда Толибжон Тўраев қўйлайди.
18.10 **«Ислоҳот ва масъулият».** Республика жамоа фермаларини хусусийлаштириш.
18.40 «Осойишталик посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
18.55 Эълонлар
19.00 **Янгиликлар.**
19.20 Эълонлар.
19.25 Футбол шарҳи.
19.40 **«Фан фидойиси».** Академик Азиз Қаюмов.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 «Гулшан диёрим». Концерт.
21.40 **ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан».** Видеофильм. 1-қисм.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.15 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақиштиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Параллель».
19.30 «Деҳқон ҳиммати».
20.00 «Бу бўстон аро...».
20.40 «Спорт-тайм».
21.10 — 22.20 «Ганг дарёсининг қизи». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

ЎзТВ
23.20 «Санъат маскани», «Нодир хазина». Телефильмлар.
23.40—23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» тақиштиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси». Оммабоп кўрсатув.
21.30 Эълонлар.
21.35 Видео — «О». Бадиий видеофильм.
23.15 Эълонлар.
23.20 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
23.40 «... яна об-ҳаво ҳақида». Метереологик маълумот.
23.50 — 24.00 «Постфактум». Ҳафта мобайнидаги нашрлар шарҳи.

СЕШАНБА, 24

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан». Видеофильм. 1-қисм.
10.10 Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Жараён».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон тарихи.
12.00 «Ишбилармон». Тўрткўл туманидаги тадбиркорлар ҳаётидан.
12.20 Немис тили.
12.50 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб». «Оталар изидан».
13.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
14.00 — 16.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Қуённинг кўз ёшлари». Мультфильм.
17.40 **«Фарзанд — умид юлдузи».** Публицистик кўрсатув.
18.10 **«Нон таъми».** Фарғона вилояти хўжаликларида кузги ғалла экишнинг бориши.
18.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Марғилон ипаги».
18.55 Эълонлар.
19.00 **Янгиликлар.**
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Навоийхонлик».** Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **Пахтакорлар учун концерт.**
21.40 **«Туркистон — умумий уйимиз». «Ўзбегим — ўз оғам».** 1-кўрсатув.
22.20 **ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан».** Видеофильм. 2-қисм.
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.40 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«ОМАД» тақиштиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Видеогид». Янги бадиий фильмлар ҳақида.
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 «Кинонигоҳ». Бадиий видеофильм.

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

* * *

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40—23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» тақиштиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси». Оммабоп кўрсатув.
21.30 Эълонлар.
21.35 Видео — «О». Бадиий видеофильм.
23.15 Эълонлар.
23.20 «Курьер». Ахборот кўрсатуви.
23.40 «... яна об-ҳаво ҳақида». Метереологик маълумот.
23.50 — 24.00 «Постфактум». Ҳафта мобайнидаги нашрлар шарҳи.

ЧОРШАНБА, 25

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан». Видеофильм. 2-қисм.
9.55 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Фахрийлар — фахримиз».
11.15 «Ҳаракатда — барака».
11.45 «Ассалом, япон тили».
12.20 «Ойдин шўҳлалар». Қизил Ярим Ой жамияти иш фаолиятидан.
12.50 «Ёшлик» видеоканали.
14.50—16.15 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **«Чодиржамол».** Республика қўғирчоқ театрлари V анжуманига бағишланади.
18.10 **«Фармон ва ижро».**
18.45 «Спорт хабарномаси».
18.55 Эълонлар.
19.00 **Янгиликлар.**
19.20 Эълонлар.
19.25 **«Анъаналар этади давом».** Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **Ўзбекистон телевидениеси сида вилоят студияларининг кўрсатувлари.** Экранда — Қашқадарё вилояти.
21.40 «Бир жуфт қўшиқ».
21.55 **«Туркистон — умумий уйимиз». «Ўзбегим—ўз оғам».** 2-кўрсатув.
22.35 **ЎзТВ хазинасидан. П.Телегенов. «Бир фожиа изидан».** Видеофильм. 3-қисм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.10 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақиштиради:
18.30 «Ёдингдами, дўстим».
18.45 «Қувноқ сухбат».
19.15 «Дарсга қўнғироқ».
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
21.00 «Тошкент оқшомида».
22.00 — 23.30 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

* * *

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.00—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ
23.20 Ҳужжатли фильм.
23.40—23.50 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» тақиштиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта—Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 26

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 ЎзТВ хазинасидан. П. Телегенов. «Бир фожиа изидан». Видеофильм. 3-қисм.
10.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.40 «Ёшлар ва замон».
11.15 «Китоб ва ҳаёт». Кутубхона — зиё маскани.
11.45 «Қўнғироқча». Тележурнал.
12.15 «Аёл ва жамият». Мулоқот.
12.45 Ўзбек қуйларидан концерт.
13.15 «Ўқитувчилар, Сизлар учун!».
13.45 «Такрорий экинлар самараси».
14.10 — 15.40 «Йўл азоби». Бадиий фильм.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **«Келажак юлдузлари».** Телеочерк.
18.10 **«Тараққиёт».** Публицистик кўрсатув.
18.40 «Шеърий дақиқалар». Рауф Субҳон.
18.55 Эълонлар.
19.00 **Янгиликлар.**
19.20 Эълонлар.
19.25 Лирик концерт.
19.50 **«Юзма-юз». Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев билан мулоқот.**
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25. Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **«Шаҳар бедарвоза эмас...».**
21.40 **«Санъатга ошифта қалблар».** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қодир Мўминов.
22.25 **Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.**
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.20 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«ОМАД» тақиштиради:
18.30 «Омад» таквими. Мунажжимлар башорати.
18.35 «Теле-ателье-шоу».
18.45 Видео янгиликлари. Хорижий янги видеофильмлар.
19.05 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 — 22.50 «Кинонигоҳ». Бадиий видеофильм.

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

* * *

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

ЎзТВ
23.20 «Афоня». Бадиий фильм.
00.40—01.00 «Панорама» (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам».
10.45 «Эртакларнинг сехрли олами».
12.25 «Мусиқий учрашувлар».
12.50 «Ёшлар билан юзма-юз».
13.30 «Керакли одам». Бадиий фильм.
14.40 — 14.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.15 «Дунё эшиги».
22.00 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
22.45 «Бу ажиб дунё».
23.05 «Туризм-ревю».
23.45 «Хорижнинг биринчи элчилари».
00.25 — 00.35 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЖУМА, 27

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Марду-майдон». Бадиий фильм.
10.15 «Шарқ зарчашмаси». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Олтин куз». Кинодастур.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Бир ўлкаки...».
12.40 Немис тили.
13.10 «Санъатга ошуфта қалблар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қодир Мўминов.
13.55 — 15.55 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **«Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».**
18.10 **«Фазилат».** Телеочерк.
18.40 «Олий таълим янгиланиш йўлида». «АКСЕЛС» билан ҳамкорликда.
18.55 Эълонлар.
19.00 **Янгиликлар.**
19.20 Эълонлар.
19.25 **Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари.**

*

20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **«Маърифатнома».**
21.25 **Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.**
22.10 **Футбол. Осиё кубоги эгалари кубоги. «Янгиер» — «Талаба» (Ирок).**
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.05 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси тақиштиради:
18.30 Болалар учун фильм. «Ҳамма — палубага».
19.40 Ёшлар ижро этади.
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.40 «Саломатлик — туман бойлик».
21.10 «Билиб қўйган яхши».
21.35 «Бизнес-академия».
22.00 — 22.40 «Шаҳар юмушлари».

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахборот» (рус тилида).
18.15 Эълонлар.

* * *

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ
23.20 «Жонли сайёра».
23.50—24.00 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» тақиштиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Автосалон». Янги маркадаги автомобиллар ҳақида.
21.30 «Кулгига нима етсин!». Ҳажвий кўрсатув.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.10 Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О». Бадиий видеофильм.

ШАНБА, 28

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қўш қопқон». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
11.05 «Оила».
11.35 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
12.05 **«Ёшлик» студияси. «Баҳс».**
12.45 «Муҳаббатли диёр айланг». Мусиқий композиция.
13.15 — 15.15 «Маънавият» видеоканали.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Совға».
17.50 **«Олам». Маърифий кинодастур.**
18.45 Эълонлар.
18.50 «Салом, ёшлар!».
19.10 Эълонлар.
19.15 **«Ишингиз бароридан келсин!».**
19.25 «Оҳанглар оғушида».
19.40 **«Имкон чўққилари». Гиннеснинг рекордлар оламида.**
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **«Юлдузли онлар». Дам олиш дастури.**
21.55 **«Кулги дарғаси».** Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов.
22.55 **«Тунги ёғду».** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» тақиштиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 «Теле-ателье-шоу».
12.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент» студияси тақиштиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 Мусиқали дамлар.
19.35 «Менинг кўчам».
19.50 «Кичик дебют».
20.20 «Рок сеанс».
21.00 — 22.30 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ЎзТВ
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.00 «Ахбор

ОЛАМ МУНАВВАРДИР ОҚИБАТ ИЛА

Шанба учрашувлари

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Мана, яна шанба... Юртимизнинг тинч-осуда, меҳнат-шижоатга тўлиқ, хайру-баракали кунларида Сиз билан дийдор кўришмоқдан бахтиёрмиз.

Биз бугунги саҳифамизда барчамиз учун мўътабар ва тансиқ бўлган мавзу — меҳр-оқибат ҳақида сўз юритишни ният қилдик. Зотан, инсон қалбига нур ва эзгулик бахш этувчи, поклик ва ҳалолликка, жасоратга чорловчи маънавий қадриятларнинг асосида айнан мана шу улкан туйғу ётади. Шундай эмасми? Келинг, шу ҳақда дилдан фикрлашайлик, бир-биримизга меҳр-оқибат улашайлик.

Саҳифага мактуб

ШИРИН СЎЗ — ДИЛ МАЛҲАМИ

МЕН Бўка шаҳридаги алоқа бўлимида телефонистка бўлиб ишлайман. «Тошкент ҳақиқати» газетасини имкони борича мунтазам кузатиб бораман. Унда кейинги пайтда эълон қилинаётган қизиқ-қизиқ саҳифаларни ўқиб, биринчи марта ўз мулоҳазаларимни йўллашга жазм этдим.

Менга «Аёл олами», «Шанба учрашувлари» каби саҳифаларда эълон қилинаётган материаллар жудаям маъқул бўлаяпти. Уларда айнан дилимизда турган, ҳаёлимизда кечаётган гаплар айтилмоқда. Рост-да, ўзаро меҳр-муҳаббатли, муросаю-мадорали, садоқатли-оқибатли бўлмай туриб, маънавий дунёмизни бойитишимиз мумкинми? Бularсиз ҳатто Ватанга ҳам ҳалол ва поклик билан хизмат қилиш қийин.

Мен ҳар қандай инсон аввало оилада тинч-хотиржам бўлмоғи керак, деб ўйлайман. Бунинг учун эса эркак ва аёл бир-бирига ишончли-садоқатли бўлиши жуда муҳимдир. Баъзилар бу ҳақда гап кетса, «э, бунақалар ҳозир қолмаган», дейди. Йўқ, ундай эмас. Ҳаётда умрини яхшилик ва эзгулик билан ўтказаётган, бир-бирини суяб, ҳурмат қилувчи кишилар кўп. Мен ўзим турмуш ўртоғим билан 14 йилдан бери тинч-тотув ҳаёт кечириб келаяпман. Ҳалигача орамиздан ёмон гаплар ўтмаган. Икки ўғил ва бир қизни эсли-хушли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилаяпмиз. Қайнонам ҳам ҳавас қилса арзийдиган аёллардан. Шундай хонадонга келин бўлиб, бахт топганимдан фахрланаман.

Илтимос, одамларни фикр юритишга ундайдиган, кайфиятини кўтариб, кўнгилларига эзгу туйғулар бахш этадиган бундай саҳифаларни тез-тез бериб турсангизлар. Доноларимиз айтганидек, яхши ва тўғри сўз — дил малҳами, қоронғуликни ёритгувчи шамчироғдир!

Нуринисо ЭШОНОВА,
Бўка шаҳри.

Момолар ибрати

ҒАЛАТИ ЙЎҚЛОВ

ЁШЛИК даврларимизни кўп эслайман. Кишлоғимизга кўпинча қозоқ кампирлари келиб, шу ерлик хотин-халажлар билан намат босишар, иш асносида қизиқ-қизиқ гурунглар қилишарди. У вақтдаги суҳбатлар ёшларга панд-насиҳатлар-у, кигиз, гилам босиш сирларини ўргатишдан иборат бўлар, ҳозир учраб турадиган ғийбатнамо гапларга вақт ҳам, ҳожат ҳам бўлмасди. Ўша пайтда раҳматли Қизбола энамнинг бир гапи ҳануз ёдимдан чиқмайди:

— Ҳали, қўлимиз ишдан бўшагандан кейин Қумрихоннинг қизидан бир хабар олиб келайлик. Тенгдошлари ҳаммаси турмушга чиқиб кетиб, уйдан чиқолмай хафа бўлиб ўтиргандир.

— Ие, энажон, ўртоқлари эр қилса у нега хафа бўлади? Уни шунга йўқлаш керакми?

— Эй-й-й, болажонима-а, эсингдан чиқармагин, бу дунёда инсон кўнглини синдирадиган учта нозик нарса бор: Биринчиси, беморлик. Хаста одам гўё бирор гуноҳи учун касал бўлгандек ҳаммадан тортинаверади. Баъзи ақлсизлар унинг олдида худди касали юқиб қоладигандек суҳбатлашиб ўтиришдан, унинг қўлидан бирор нарса ейишдан ўзини олиб қочадилар.

Иккинчиси, ёши бир жойга бориб қолган чол-кампирлар, яъни кексалик. Қариган одам салгина эътиборсизликдан кўнгиллари вайрон бўлиб, кўзларига иссиқ ёш келади.

Учинчиси, вақтида турмушга чиқолмаган қизнинг бахтсизлиги. Баъзи бир аҳмоқлар ўйламай-нетмай, уларни «қари қиз» деб аташади. Одобли, бокира қизларнинг кўнгли бундай надоматларни кўтаролмайди. Улар одамлардан, кўпчилик йиғиладиган жойлардан ўзини олиб қочадиган, одамови бўлиб қолишади. Эсингда бўлса, мана шу уч тоифадаги одамларга доимо меҳрли бўл, болам! Кўнгилларига таскин бергин, яхши сўзларингни аямагин. Дунёда бундан ҳам савоблироқ иш йўқ!».

Исмоил ҚОСИМОВ,
Зангиота тумани.

Ҳазина

АДЛДАН ЖАҲОН ОБОД

(Ҳикоят)

Ҳакимлар айтадиларки, адлдан жаҳон обод, ситамдан эса вайрон. Адл чироғидан минг фарсанг жойлар рошнолик олар, ситам эса минг фарсанг ерга қора соя солар.

Агар чиқса адолатнинг қуёши,
Таралгай ҳар томон нури-зиёси.
Агар зулм этса золим, бу ситамдан
Жаҳон бўлғай қаро, йўқ интиҳоси.

ОЛИЙҲИММАТ бир дарвеш шавкатли бир подшо билан тез-тез кўришиб турар, ёқимли суҳбатлар қурар эди.

Кунлардан бирида у подшо пешонасида маломат изларини сезди, унинг сабабини ўйлаб, ҳаёли кезди, аммо узининг тез-тез келишидан бўлак сабаб кўрмади. Дарҳол подшо ҳузурига қатнамай қўйди ва у билан суҳбатдан ўзини тийди. Бир куни подшо йўл устида дарвешни учратиб қолди ва шундай суроқни орага солди: «Эй дарвеш, не сababдирким, мен билан алоқангни буздинг, боришкелишдан қадамингни уздинг?»

Дарвеш жавоб берди: «Сабаби шуки, менинг келишимдан чеҳрангда малол кўргандан кўра, «нега келмайсан?» деган савол эшитиш яхшироқ эканини тушундим».

Дарвешдан ҳукмдор сўради: «Нечун Келмадинг олдимга бунчалик узоқ?»
Ул деди: «Нимага келдинг?» дегандан «Нимага келмадинг?» деган яхшироқ!»

Абдураҳмон ЖОМИЙнинг «Баҳористон» китобидан.

МЕН КИМГА ЯХШИЛИК ҚИЛДИМ-КИ...

Тавба-тазарруҳ

БАЪЗАН кечалари билан ўй суриб чиқаман. Кун бўйи толиққан бўлсам-да, ухлайолмай азобланаман. Ширин-дан-шакар фарзандларим, садоқатли умр йўлдошим, ёру-биродарларим бирма-бир кўз ўнгимдан ўтаверади, улар билан ҳаёлан суҳбатлашаман, мени кечиринглар, дея ялиниб-ёлвораман.

Ҳар бирини битта-битта бағримга босгим, асалдан ширин болаларимнинг кувноқ сўзларини қайта-қайта эшитгим келади... Лекин энди буларнинг иложи йўқ! Мен ўз қилмишим туфайли яқинларимнинг ҳаммасини қайғуга солиб қўйдим. Ичкилик оқибатида жиноят қилиб, ҳозир ахлоқ тузатиш муассасасида жазо муддатини ўтаяпман.

Илгари топиш-тутишим яхши бўлиб, ичкиликка берилганимда, улфатлар орттириб, қариндош-уруғлар-у, оила аъзоларимни менсимай қўйганимда бошимга шундай кунлар тушиши мумкинлигини ўйламаган эканман. Бошим деворга тақ этиб текканда кўзим мошдек очилди. Пулим кўплигида ошқатиқ бўлиб юрган «улфатлар» ҳайр-маъзурни ҳам насия қилиб кетишди. Кунимга ўша «ёмон» қариндошларим ва умр йўлдошим яраяпти. Вақти-вақти билан бўладиган учрашувларга қанчадан-қанча йўл босиб, ўзлари емай-ичмай, болаларимнинг ризқини қийиб бўлса-да, менга турли ноз-неъматлар олиб келишаяпти. Мен шундай ҳурматга, шундай эъзозга арзирли одам бўлдимми? Мен уларга қандай оқибат кўрсатдим-ки, улар мени бунчалик авайлашади?! Шундай кезларда, ҳали уйга кирмасимданоқ аёлим ва болаларимга пўписа қилиб, нега уни қилмадинг, нега буни қилмадинг, дея йўқ жойдан баҳоналар топганим, уларни қийнаганим, дилларини оғритганим ёдимга тушиб, эзиламан.

Эй, биродарлар, одам одамга ғанимат экан. Токим, яхши инсонлар билан дийдорлашмоқ имкони бор экан, бир-бирларингизнинг ширин суҳбатларингизга тўйинг. Оилангизни асранг. Болаларингизнинг кўзларига мунг тўлдирманг. Бефойда улфатлар-у, оқибатсиз ичкиликдан ўзингизни сақланг. Ҳеч қачон менинг кунимга тушманг!

Мени кечиринг, севикли болаларим!!!...

МИРЖАМОЛ.

ҚАДРДОНЛАР бир-бирларини йўқлаганда ҳамиша шундай бўлади: Дунёдаги энг чиройли сўзни айтмоққа чоғланган тиллар гўё танглайда қотади-ю, юзларга ажиб бир нур, кўзларга ҳаяжон инади... Меҳр билан очилган бағирлар бир-бирларига зор-интиқ талпинади-ю, кўнгилдаги соғинч вулқонлари елкаларда титроқ бўлиб тинади! ОҚИБАТнинг шиори аслида шу—у бор жойда тил эмас, қалб сўзлайди! Уни эшитмоқ эмас,балки тушунмоқ даркордир:

Мен сени соғиндим, кутдим интизор,
Келдингми?! Саломат бормисан ДИЛДОР!

ДОНОЛАР БАЙТ АЙТУР

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, каъба вайрон бўлса обод айлагай.
НАВОИЙ.

***

Фақат яхшиликдан шиор келтиринг,
Агар қиш кўрсангиз, баҳор келтиринг.
ФИРДАВСИЙ.

***

Юмшоқликдан жуда кўп дил ром бўлур,
Кўполликдан пишиқ қайта хом бўлур.
ХИСРАВ.

***

Жазонинг ўрнига лутф кўрса киши,
Хижолат чекишдир бир умр иши.
«АҲЛОҚИ МУХСИНИЙ»дан.

***

Қарашга нораво нарсага кўр бўл,
Тинглашга нолойиқ гап-сўзга кар бўл.
ХИСРАВ.

Дил куйлаганда

ТИЛАК

Омонат дунёда умримиз азиз,
Ҳақимиз кўп бизнинг эртанги кундан
Ногаҳон қайдадир учраб қолсангиз
Яхши сўзингизни аяманг мендан.

Мурувват камёбдир, меҳр кўп тансиқ
Тошдек қотиб борар танда юраклар.
Бир яхши сўз айтинг, шу сўздай ёниқ
Қалбимда туғилар эзгу тилаклар.

Бир улкан илтифот кутаман сиздан,
Бегонасан, деманг — ботади оғир
Яхши сўзингизни аяманг мендан,
Инсон ғаниматдир инсонга ахир.

Маъмур БОЗОРАЛИЕВ.

ТЎРТЛИКЛАР

Бу ҳаёт бор экан, момот ҳамон бор,
Яхшилик бор экан, ёмон ҳамон бор.
Оламда чин инсон бўлмоқ истасанг,
Тириклик чоғингда яхши томон бор.

***

«Тош билан урганни ош билан ургин!»—
Одил халқ нақли бу, ёд этиб юргум
Урганни урмоқни ҳамма билади,
Уришдан қайтариш йўрғин билгин!

Мусулмонқул АСҚАРОВ.

Футбол

ЯНА «ПАХТАКОР»ДА УЧРАШАМИЗ

Бугун Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида Ўзбекистон — Нигерия терма жамоалари ўртасида Афро-Осиё кубоги учун ўйин бўлади

ҲУРМАТЛИ футбол ишқибозлари. Сиз каби мен ҳам бугун бўладиган халқаро расмий учрашувни иштиёқ билан кутяпман. Мустақил Ватанимиз спорт шуҳратини муносиб ҳимоя қилган ва ўтган йил Осиё чемпиони деган юксак номни қўлга киритган ўзбек футболчилари бугун Африка чемпиони — Нигерия терма жамоаси билан учрашадилар. Бўлажак ўйин ҳақида ўйлаб, беихтиёр Марказий ўйингоҳга 60 минглаб томошабинлар келган дамлар (гарчанд ўйингоҳ 55 минг томошабинга мўлжалланган бўлса ҳам) ёдга келади. Ҳа, Бразилиянинг машҳур «Пирасикаба», Уруғвайнинг «Насъонал» терма жамоалари мана-ман деган клубларни енгиб, Тошкентда ўзбек футболчиларидан доғда қолишгани ёдимда. Бу ўйинларни ким ҳам унутарди дейсиз? Ёки ўтган йили АҚШ да ўтказилган жаҳон чемпионатида «Яшил бургут»лар номини олган «Нигерия» футболчиларининг чиройли ўйинлари-чи? Эммануэл Амуникe тўп киритгандан сўнг майдон четига келиб хурсандчилигидан тушган ажойиб рақси кечагидек эсимда. Футбол мутахассислари, муҳлислари учун «янгилик» очган Нигерия футболчилари саралаш учрашувларида Болгария жамоасини 3:0, Греция терма командасини 2:0 ҳисобида енгишгани, нимчорак финал ўйинида Италия командасини сўнгги дақиқаларгача ютиб туришгани ёддан кўтарилгани йўқ.

Бугун Сиз билан мени ўз ўйинлари билан мафтун этаётган Игор Шкквирин, Миржалол Қосимов, Азамат Абдураимов, Геннадий Денисов, Фарҳод Магамедов, Эммануэл Амуникe, Аугустин Окоча, Даниэль Амокаши ва бошқа футболчиларнинг ўйинларини кўрамиз. Маразий «Пахтакор» стадионида соат 16 да учрашамиз. Агар барвақтроқ келсангиз футбол ҳақида, бугунги рақибларнинг имкониятлари ҳақида фикрлашамиз.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

СЕВАСТОПОЛДАН БРОНЗА МЕДАЛ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Свастополда ўсмирлар ўртасида денгиз кўпкураши бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари бўлди. Унда Ўзбекистон командаси ҳам иштирок этди.

Денгизлардан олисда жойлашган мамлакатимиз вакиллари бўлмиш ёшлар команда ҳисобида совринли учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалларини қўлга киритдилар.

Мерганлик бўйича мусобақаларда Тошкентдаги техника университети талабаси В.Сидоров олтин медални қўлга киритди, Тошкентдаги 224-мактаб ўқувчиси А.Гнатик эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистон командасининг барча аъзолари бўш вақтларида «Ватанпарвар» Мудофаага кўмаклашиш жамияти Марказий Кенгашининг Тошкентдаги болалар ва ўсмирлар спорт-техника мактабида шуғулланади.

(ЎзА).

ТЎХТАНГ, СИЗГА ГАПИМ БОР

КЕЧ КУЗ... Тунлари этни чимчилаб-чимчилаб оладиган изғиринли ҳаво-ю, салга тундлашиб, челаклаб ёмғир қуйиб қоладиган бадқовоқ кунлар қишнинг яқинлашганидан дарак берарди... Ана шундай салқин оқшомлардан бирида саксон ёшлар чамасидаги ниҳоятда юпун, озғинлигидан суяги терисига ёпишган бир қарияни кўчада учратиб қолдим. У оқсоқланганча болалар аравачасини итариб олдинга интилар, ҳар замонда ерга энгашиб, нималарнидир териб, аравачага соларди. Қизиқиб, разм солдим. Яқинроқ бориб билдим-ки, у ҳар жой-ҳар жойда кўриниб қоладиган ёғоч парчаларини йиғиб бораётган экан. Кампир уйида ёқиш учун ўтин йўқлигидан шундай қиларди чамаси.

Йўлимиз бир экан, у билан изма-из кетаяпман. Кампир йўл ёқасидаги деворлари кўчиб, кулай-қулай деб турган қўримсиз ҳовли олдида тўхтаб, мажолсиз қўллари билан эшик зулфини оча бошлади. Раҳмим келиб кетди. Онахонга кўмаклашишга чоғландим.

— Минг раҳмат болам, умрингиздан барака топинг!

Кампирнинг ўтин-ёғоч солинган аравачасини ҳовлига судраб кирдим-у, юрагим увушиб кетди. Ҳовли бетартиб, ўртада иккита катта тўнка ағдарилиб ётибди. Нарирокда зангланган каравот. Бу ерда кампирдан бошқа бирор кимса яшамаслиги аниқ эди.

— Келинг болам, сизни менга худо етказди, ўтиринг, бир пиёла чой қўяй,— деди қария кўзлари жовдираб.— Энди уйнинг аҳволига кулмайсиз-да, у ёқ-бу ёғини тўғрилай десам куч-қувватим йўқ. Кейин бу ерга ўзимдан бошқа биров кириб-чиқмагандан кейин чиройли қилдим нима-ю, қилмадим нима?... Қаричилик шу экан-да, болам...

Даҳлиз уйнинг бир томон девори ўпирилиб тушган, уйга совуқ кирмасин учун шу кемтик жойга сандиқ қўйилиб, кўрпа йиғиб қўйилган эди... Бу аҳволни кўриб, ичичимдан эзилдим. Айни қарилик гаштини сурадиган бундай пирубадавлат ёшда нега бу қария ночор ҳаёт кечирмоқда? Фарзандлари, қариндош-уруғлари қани? Баланд-баланд томли муҳташам уйларда яшаётган қўшнилар нега бу манзарани кўришмайди? Нега???

— Болам! Нега индамайсиз? Ёки бу кулбага сизнинг ҳам... киргингиз келмаяптими?...

Кампирнинг бироз илтижоли сўзлари қулоғимга элас-элас киргандай бўлди. Буни қаранг-ки, аҳволни кўриб, остонада ҳайкалдек туриб қолган эканман. Онахондан узр сўрадим.

Нимагадир кампирнинг хўрлиги келиб кетди. Худди дилимдаги сонсиз-саноқсиз саволларни илғаб тургандай ўтмишини сўзлай бошлади:

— Чолим ўлганига ўн беш йил бўлди, болам. Умримнинг мана шу ўн беш йили ҳам бир бўлди-ю, қолган етмишиям бир бўлди менга. Ёлғизлик ўлимдан оғир деганлари рост экан... Агар болаларим бўлганда балки бошқача бўлармиди?! Раҳматли чолим билан иккита фарзанд кўрганмиз. Иккаласи ҳам қизамиқдан бевақт нобуд бўлди. Ҳаётдаги барча қувончларим шулар билан бирга ерга кўмилиб кетган экан, жоним болам. Бошқа бола кўрмадик. Ўйлана-ўйлана касаллик орттирганим қолди холос. Ўша вақтларда ўзим ҳам ўлиб кета қолсам бўлмасмиди, дейман. Аммо ажали етмаган одам қирқ йил қирғин бўлса ҳам ўлмас экан... Бир куни раҳматлига:

— Келинг, сизни уйлантириб қўяй, зора фарзанд кўрсангиз, ахир дунёдан сўппайиб ўтиб кетмайсизку,— дедим.

— Эсингни епсан, кампир. Нима, Аллоҳнинг иродасига қарши чиқмоқчимисан? Агар худо бизга фарзанд раво кўрганда болаларимиз ўлмаган бўларди,— деди у аччиғланиб.

Ёшлик вақтларимиз ҳам гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатиб ўтди кетди. Одам ҳар доим ҳам бирдек турмасакан. Мана, қариб, кўздан нур, белдан қувват кетганда «онажон» деган бир оғиз илиқ сўзга зор бўлиб умр ўтказаяпман. Саксондан ошдим, шукр, лекин баъзан, ҳаёти сўник одамга шунча умрнинг нима кераги бор, деб ўйлаб қўяман... Чолим ўшанда қайсарлик қилмаганда...

Мен хона ичига назар солдим. Уй ўртасидаги пастаккина печка устида қозон турарди.

— Кеча ўтин ёраман деб қўлимни чопиб олдим,— латта билан боғланган қўлини кўрсатди кампир гинахонлик билан.— Чой ҳам, овқат ҳам шу печкада бўлади. Шунга кўчадан майда-чуйда ўтинларни йиғиб келаколай деб чиқувдим. Сизни учратиб, нима, анча кўнглим бўшади. Худойимдан айланай, арзимаган ўтин сабаб, мени сиздай суҳбатдошга пешвоз чиқазган экан...

Ўзини Фотима ая деб таништирган қария билан анчагина гаплашиб ўтирдик. Гаплари маъноли. Бошига тушган кўргуликларни фақат тақдирдан кўради. Бировдан гина қилмайди. Аммо ҳар куни, ҳар лаҳза ҳовли эшикдан биров кириб келишини кутади. Инсон меҳрига ташна. Одамлар дийдорига зор.

Бир пайтлар Фотима аяга кўп қаватли уйлардан хона тавсия қилишган экан. Унамабди. Билмадим, уни мана шу чордеворга ипсиз боғлаган нарса нима эди?! Балким чоли билан яхши-ёмон кунларини бирга ўтказган уйи афзалроқ туйилгандир. Балким, ўзи тирик бўла туриб, бу уйнинг чироғи ўчиб қолишини хоҳламагандир...

Ая билан хайрлашиб, кўчага чиққанимда ҳаёт аввалгидек бир маромда давом этар, кимдир бекатдаги тирбанд автобусга шошилар, кимдир боғчадан олиб қайтаётган фарзандини ширин сўзлар билан эркалата-эркалата йўлакдан етаклаб борар, кимдир ҳализамон келадиган меҳмон учун ҳарид қилинган мева-чеваларни зўрға кўтариб, такси пойларди. Мен эса... Мен эса томоғимга нимадир тиқилиб, уларнинг ҳаммасини бир зум ортларига қайтаргим, Фотима аянинг ҳовлисини кўрсатиб, хитоб қилгим келарди шу тобда:

Эй, одамлар! Чўғдай гиламлар устида ястаниб ўтирганда мана бундай кўнгли синиқ, ҳаёти забун кимсаларни ҳам бир эсланг! Дастурхонни тўлдириб, қўша-қўша меҳмонлар кутганда девор ортида муғайиб ўтирган ёлғиз, муштипар қўшнингиздан бир оғиз илиқ сўзингизни дариғ тутманг! Э, худо хайрингизни бергурлар, молу-дунёингиз ортиб, баланд-баланд иморатлар солганда Фотима аяникидек чўкиб қолган, деворлари нураб ётган кулбаларга ҳам савоб учун сувоқ уринг! Яхшилик қилишга имконингиз етмаса, ҳеч бўлмаганда «Сиз ёлғиз эмассиз, ёнингизда биз бормиз» деб айта олинг! Наҳотки, меҳрга зор кимсаларнинг кўнглини кўтарадиган шу сўзлар ҳам тансиқ бўлиб бораётган бўлса?! Ахир бу дунё ўткинчи дунё! Одамдан қолса фақат яхшилик ва меҳр-оқибат қолади! Бир лаҳза, бир лаҳзагина тўхтанг, одамлар!...

Қалб нидоси

ГУЛНОЗ,
Пискент тумани.

ЭЪЛОНЛАР

ФИРМА

320х508 автошиналар, полиэтилен плёнкалар, «Нева-5» тўқув машиналарини

СОТАДИ

ПБД грануллаларини

СОТИБ ОЛАДИ

Телефонлар: 77-03-40, 77-92-45, 77-92-71.

«Тошсоцуйжойбанк» акционерлик тижорат банки жамоаси капитал қурилиш бўлими бошлиғи Серкавой Убайдуллаевич Убайдуллаевга укаси

Ўткир УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0439. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 22.00. А 2 3 4 5 6